



MAHALLIY POLIMER CHIQUINDILARIDAN QUVUR QOPQOQLARI UCHUN POLIMER KOMPOZITSION MATERIAL TARKIBINI YARATISH.

O'rinov D.O'

*Andijon mashinasozlik instituti "Tashishlarni tashkil etish va transport logistikasi"
kafedrasi assistenti.*

Telefon: +(998)90 548-72-74, e-mail: orinov.d12345@gmail.com

Анотация: Маълумки, пластик чиқиндилар тупроқда узоқ вақт сақланиш хусусиятига эга. Пластик буюмлар, ўзининг афзалликларига қарамасдан, катта экология учун долзарб муаммолардан бирига айланган. Пластик чиқиндиларни кўча ёки далага ташлаётиб жуда ҳам кўпчилик уларнинг юз йиллар давомида парчаланиши ҳақида ўйламайди. Ҳукумат томонидан экологияни сақлаш бўйича турли дастурлар қабул қилинишига қарамай атрофдаги чиқиндилар миқдори кундан-кунга ортиб бормоқда. Пластик турли ишлаб чиқариш соҳалари учун бирламчи хом ашё вазифасини бажаради. Демак, бундай турдаги чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш орқали чўян қопқоқларга нисбатан таннархи 4-5 марта арзон бўлган иқтисодий ва экологик жиҳатдан юқори самарали маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Калит сўзлар: хом ашёлар, пластик чиқиндилар, ғўза плёнкалари, қувур қопқоқлар, пластик, чўян.

Анотация: Известно, что пластиковые отходы могут храниться в почве длительное время. Изделия из пластика, несмотря на свои преимущества, стали одной из насущных проблем для большой экологии. Выбрасывая пластиковые отходы на улицу или в поле, большинство людей не задумываются о том, что на их разложение уйдут сотни лет. Несмотря на принятие государством различных программ по сохранению экологии, количество отходов в окружающей среде увеличивается день ото дня. Пластик выступает в качестве основного сырья для различных производственных отраслей. Поэтому при сборе и переработке данного вида отходов получается экономически и экологически высокоэффективный продукт, который в 4-5 раз дешевле чугуновых колпаков.

Ключевые слова: сырьё, пластиковые отходы, хлопчатобумажные пленки, заглушки, пластик, чугун.

Узоқ вақт дунё мамлакатлари томонидан чиқиндиларни нотўғри бошқариш табиий ресурслар ва табиатнинг кутилмаган ўзгаришларига сабаб бўлди. Аслида атроф-муҳитни ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларидан муҳофаза қилиш табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик тоза технологияларни амалиётга татбиқ этиш билан узвий боғлиқдир [1-3].

Мутахассисларнинг таъкидлашича, маиший чиқиндилар бутун дунёда арзон хом ашё ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси бўйича чиқиндининг



85 фоизини қайта ишлаш мумкин. Шимолий Европа мамлакатларида аллақачон чиқиндиларни алоҳида йиғиш йўлга қўйилган бўлиб, натижада қоғоз, пластик, алюминий каби хом ашёнинг катта қисми қайта ишлашга юборилади. Бу жараённинг экомўҳитга ижобий таъсири жуда катта [4-6].

Бугунги кунда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган изчил сиёсат юритилмоқда. Ишлаб чиқариш соҳаларини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш натижасида атмосферага чиқарилаётган зарарли моддаларнинг миқдори, оқова сувларнинг ташланиши камайди [7-11].

Президентимизнинг 2018 йил 18 майдаги "Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори, аввало, экологик хавфсизликни таъминлашга қулай шароит яратиш, аҳоли пунктларининг санитария ҳолатини шакллантиришга тўсқинлик қилаётган айрим муаммоларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мақсад маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада ривожлантириш, аҳолининг сифатли санитария жиҳатидан тозалаш хизматлари билан таъминланганлиги даражасини ошириш ва экологик муаммоларни ҳал этишдаги мавжуд имкониятларни ишга солишдир. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш бўйича тизимли ишлар қилинмоқда. Жумладан, қўмита раиси Баҳром Қўчқоров бошчилигида пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасида фаолият юритувчи корхоналар вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда соҳадаги мавжуд муаммолар, уларни ҳал этиш ҳамда соҳага замонавий технологиялар ва чет эл инвестицияларини жалб этиш юзасидан таклифлар кўриб чиқилди. Асосий эътибор чиқиндиларни қайта ишловчи корхоналардан иборат кичик иқтисодий зона ташкил этиш ва соҳани ривожлантиришга қўйиладиган вазифаларга қаратилди [12-15].

Биргина Андижон вилоятининг ўзида 79 минг гектарга яқин майдонга пахта экилади. Бундан ҳар бир туманида умумий пахта экиладиган майдон камида 5 минг гектарни ташкил этади. Ушбу пахта майдонларининг қарийиб 60% қисмига плёнка остида чигит экилади ҳамда чигит униб чиққандан сўнг плёнкалар чиқиндига чиқарилади. Плёнка чиқиндилари тупроқда юз йиллар давомида парчаланаяди ва экологияга узоқ вақт салбий таъсир кўрсатади. Плёнка чиқиндиларининг экологияга салбий таъсирини олдини олиш мақсадида уларнинг пахта майдонларидан чиқадиган миқдори таҳлил қилинади ва фермер хўжаликлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилади [16-19].

Вилоятимизда пахта майдонларидан чиқариладиган плёнка чиқиндилардан ташқари аҳоли маиший чиқиндиларининг пластик турлари ҳам бир неча юзлаб тоннани ташкил этади. Туман ва вилоятдаги умумий пластик



чиқиндилар ва пластик қувур қопқоқлари тайёрлаш учун яроқли бўлган хом-ашёлар миқдори ўрганиб, таҳлил қилинади [20-23].

Пластик материаллар турли ишлаб чиқариш соҳалари учун бирламчи хом ашё вазифасини бажаради. Демак, бундай турдаги чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш орқали чўян қопқоқларга нисбатан таннархи арзон бўлган иқтисодий ва экологик жиҳатдан юқори самарали маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ушбу босқичда пластик чиқиндиларни қайта ишлаш технологиялари ўрганиб, таҳлил қилинади ҳамда такомиллаштирилади, ушбу технологиянинг технологик ва иқтисодий кўрсаткичлари асосланади ва такомиллаштирилган технология бўйича арзон ва енгил қувур қопқоқлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Андижон вилояти ҳудудида арзон маҳаллий хом ашёлар (ғўза плёнкалари ва бошқа пластик чиқиндилар) дан фойдаланиб енгил ва ихчам пластмасса қувур қопқоқларини ишлаб чиқаришини ташкил этилади. Натижада экология ҳамда атроф-муҳитга салбий таъсир этувчи пластик чиқиндилардан чўян қопқоқларга нисбатан таннархи 4-5 марта арзон бўлган маҳсулот ишлаб чиқарилади. Биз таклиф этаётган маҳсулот ҳозирда фойдаланиб келинаётган чўян ва бетондан тайёрланган қопқоқлар ўрнида кўп қаватли уйлар олдидаги умумий ҳамда шаҳар ва қишлоқ ҳовли уйларида ўрнатилаётган сув канализация қувур қопқоқлари ўрнида фойдаланиш мумкин [24,25].

Маълумки, чўян ва бетондан тайёрланган қувур қопқоқлари доимий намлик оқибатида тез коррозияга учрайди ҳамда тез дарз кетиш ва ёрилиш хусусиятига эга. Биз таклиф қилаётган пластик қопқоқлар эса ҳар қандай нам шароитда коррозияга учрамайди ва ўз мустаҳкамлигини сақлаб туради. Бундан ташқари чўян ва бетон қопқоқларга нисбатан пластик қопқоқлар анча енгил. Шу сифатларни инобатга олсак биз таклиф қилаётган маҳсулот анча ҳаридоргир бўлиши кутилмоқда.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Насиров, И. З., Уринов, Д. Ў., & Рахмонов, Х. Н. (2021). Плазмали электролизерни синаш. In *INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM: a collection scientific works of the International scientific conference (25th March, 2021)-Washington, USA:" CESS* (pp. 323-327).
2. O'rinov, D. O., & Maxmudov, O. E. (2022). IMPROVING TRAFFIC PREVENTION OF ROAD TRAFFIC ACCIDENTS. *Innovative Technologica: Methodical Research Journal*, 3(05), 11-18.
3. Насиров Илхам Закирович, Камолов Шерзодбек Сабирович. BOBUR SHOХ VA S.ZUNNONOVA KO'CHALARI KESISHMASIGA SVETOFORLARNI O'RNATISH//JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS. Volume -7_Issue-5_Iyun_2022, WSRjournal.com, 102-107 b.



4. Насиров Илхам Закирович, Таваккалова Саидахон Орифжон кизи, Тулкинхужаева Нилуфархон Расулжон кизи. АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ЙЎЛ ҲАРАКАТИНИТАШКИЛ ЭТИШНИНГ РАҚАМЛАШТИРИЛИШИ// Международный научно-образовательный электронный журнал «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В ХХІВЕКЕ». Выпуск No25 (том 7) (апрель, 2022). Дата выхода в свет: 30.04.2022. с. 1276-1279.

5. Насиров Илхам Закирович, Камолов Шерзодбек Сабирович. BOBUR SHOХ VA S.ZUNNONOVA KO‘CHALARI KESISHMASIGA SVETOFORLARNI O‘RNATISH//JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS. Volume – 7_Issue-5_Iyun_ 2022, WSRjournal.com, 102-107 b.

6. Насиров Ильхам Закирович, Солиев Бобуржон Абдираим Коулс. (2022). ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ ADAS ДЛЯ ПОМОЩИ ВОДИТЕЛЯМ. *Американский журнал междисциплинарных исследований и разработок*, 5, 94–105. Получено с <http://ajird.journalspark.org/index.php/ajird/article/view/112>.

7. НАСИРОВ ИЛХАМ ЗАКИРОВИЧ. ПАРАЛЛЕЛЬНОЕ ВЕДЕНИЕ УЧЕБНОЙ И НАУЧНОЙ РАБОТ В ВУЗЕ// PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS: a collection scientific works of the International scientific conference (17 January, 2023) - Copenhagen:2023. Part 19- p. 175-177.

8. Насиров Илхам Закирович. (2023). ИНСОН ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ДАРАЖАЛАРИ . *Journal of New Century Innovations*, 21(4), 118–121. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/new/article/view/3069>

9. К.А. Tursunmetov., F.M. Sulstonova. "Fizika fanini takomillashtirishda Osiyo allomalarining tutgan o‘rni" Monografiya. AndMI-2022.

10. К.А.Tursunmetov., F.Sulstonova «Tarozi toshlarining yaratilish tarixi». Fan va jamiyat jurnali 2022/3

11. F.Sulstonova. Shisha va uning yaratilish tarixi. AndMI Halqaro konferentsiya 2022 yil oktyabr

12. Nasirov Ilham Zakirovich, Sarimsaqov Akbarjon Muminovich, Teshaboyev Ulugbek Mirzaahmadovich, Gaffarov Mahammatzokir Toshtemirovich. Tests of a reactor for supplying hydrogen and ozone to an internal combustion engine// International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE) ISSN: 1308-5581. DOI 10.9756/INT-JECSE/V1413.693? Vol 14, Issue 03 2022, 5296-5300 p. https://scholar.google.ru/scholar?hl=ru&as_sdt=0,5&cluster=1417745796259182862

13. SARIMSAQOV AKBARJON MUMINOVICH and NASIROV ILHAM ZAKIROVICH (2022). PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF MULTIMODAL TRANSPORTATION TECHNOLOGY// Saybold Report (TSR): Saybold Publications, Box 644, 428 E. Baltimore Ave. Том 17, № 08 (2022) | doi.org/10.5281/zenodo.6969371, p. 468-475. СМІ, Пенсильвания, 19063. editor@sayboldreport.org.



14. Nasirov Ilham Zakirovich, Sarimsakov Akbar Muminovich, Gaffarov Mukhammadzokir Toshtemirovich, Abbasov Saidolimkhon Jaloliddin ugli/ Results of Testing Hydrogen Biogas on a Vehicle// Jundishapur Journal of Microbiology Research Article Published online 2022 October Vol. 15, No.2 (2022), p. 880-887.

15. Саримсаков, А. М., & Гаффаров, М. (2020). ПУТИ РАЗВИТИЯ ЮРИДИЧЕСКОЙ ЛОГИСТИКИ В МАЛОМ БИЗНЕСЕ. *Бюллетень науки и практики*, 6(7), 311-314.

16. Саримсаков, А. М., & Гаффаров, М. (2020). Ways to Develop Small Business Legal Logistics. *Бюллетень науки и практики*, 6(7), 311-314.

17. Шодмонов, С. А. (2022). ДАТЧИКИ ТЕМПЕРАТУРЫ. *European Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 4, 62-66.

18. Хомидов Анварбек Ахмаджон ўғли, & Шодмонов Сайидбек Абдувайитович. (2022). ДАТЧИКИ ТЕМПЕРАТУРЫ. *European Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 4, 62-66. <http://www.ejird.journalspark.org/index.php/ejird/article/view/65>

19. Azizov M. Yarimo'tkazgichlar fizikasi. T. 1974 yil.

20. Akramov H va b. Yarimo'tkazgichlarda fotoelektrik hodisalar. T. 1994 yil.

21. S. Hakimov, B.Boltaboyev "O'quvchi va talabalarga matematika fanini o'qitishda didaktikaning asosiy prinsiplarini ahamiyati." Andijon davlat universiteti. Zamonaviy matematikaning nazariy asoslari va amaliy masalalari respublika ilmiy-amaliy anjumani. 2022 yil.

22. S.Hakimov "O'rganuvchilarda amaliy harakterdagi masalalar yechish ko'nikmalarini oshirish." Namangan qurilish muhandislik institute. 2022 yil.

23. Саримсаков А.М., Хакимов М. ПРОЕКТИРОВАНИЕ СИСТЕМ ПОЖАРОТУШЕНИЯ, СКОРОСТНОГО ДВИЖЕНИЯ АВТОМОБИЛЕЙ СКОРОЙ ПОМОЩИ НА ПЕРЕКРЕСТКАХ // *Universum: технические науки : электрон. научн. журн.* 2022. 4(97). URL: <https://7universum.com/ru/tech/archive/item/13416> (дата обращения: 19.12.2022).

24. Ilham Zakirovich, Sarimsaqov Akbarjon Muminovich, Teshaboyev Ulugbek Mirzaahmadovich, Gaffarov Mahammatzokir Toshtemirovich. Tests of a reactor for supplying hydrogen and ozone to an internal combustion engine// *International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE)* ISSN: 1308-5581. DOI 10.9756/INTJECSE/V1413.693? Vol 14, Issue 03 2022, 5296-5300 p.

25. Насиров, И. З., Уринов, Д. Ў., & Рахмонов, Х. Н. (2021). Плазмали электролизерни синаш. In *INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM: a collection scientific works of the International scientific conference (25th March, 2021)- Washington, USA: CESS* (pp. 323-327).